



У.Туев

2022 йил

Физдуон туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бошқармасига қарашли Янгиобод МФЙ Қуйи Қалмоқлар кўчаси, Зарафшон МФЙ Муғалон кўчаси ички автомобил йўлларини жорий таъмирлаш лойиха смета хужжатларини тайёрлаш ишлари

ТЕХНИК ТОПШИРИК

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Физдуон туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бошқармасига қарашли Янгиобод МФЙ Қуйи Қалмоқлар кўчаси, Зарафшон МФЙ Муғалон кўчаси ички автомобил йўлларини жорий таъмирлаш лойиха смета хужжатларини тайёрлаш ишлари
2	Буюртмачи	Физдуон туман ҳокимлиги ҳузуридаги ободонлаштириш бошқармаси
3	Буюртма учун асос	Физдуон туман
4	Объект жойлашган ўрни	Физдуон туман Пахтакор кўчаси 40-үй
5	Катнашувшилар учун талаблар	Физдуон туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бошқармасига қарашли Янгиобод МФЙ Қуйи Қалмоқлар кўчаси, Зарафшон МФЙ Муғалон кўчаси ички автомобил йўлларини жорий таъмирлаш лойиха смета хужжатларини тайёрлаш ишлари
6	Тижорат таклифини тақдим этиш учун шартлар	Электрон танлов http://etender.uzex.uz орқали танлов хужжатлари
7	Бажарилган ишлар хисоб китоби	16 800 000
8	Ишни бажариш муддати	2022 йил июнь ойи
9	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Иш бажарилаётган вақтида техника хавфсизлиги қоидаларига тўла амал қилиниши шарт
10	Молиялаштириш манбаи	Физдуон туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси бюджет маблағлари хисобидан
11	Молиялаштириш манбаи	Бюджет

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Фиждувон туман Хокимлиги ҳузуридаги

Ободонлаштириш бошқармаси

Харид комиссиясининг раиси



У.Туев

2022 йил

**ФИЖДУВОН ТУМАН ХОКИМЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ БАЛАНСИДАГИ ЯНГИОБОД
МФЙ ҚУЙИ ҚАЛМОҚЛАР КҮЧАСИ, ЗАРАФШОН МФЙ МУҒАЛОН
КҮЧАСИ ИЧКИ АВТОМОБИЛ ЙЎЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ТАМИРЛАШ
ИШЛАРИ ЛОЙИХА СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН**

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

Фиждувон туман - 2022 йил

Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.Танлов предмети: Фиждувон туман Хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси балансидаги ЯНГИОБОД МФЙ ҚУЙИ ҚАЛМОҚЛАР КЎЧАСИ, ЗАРАФШОН МФЙ МУГАЛОН КЎЧАСИ ИЧКИ АВТОМОБИЛ ЙЎЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ТАМИРЛАШ ЛОЙИХА СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ИШЛАРИ

1.2.Танловнинг юкори қиймати: 16 800 000 (Ўн олти миллион саккиз юз минг) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул килинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3.Махсулот бўйича Танлов хужжатларида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган тижорат таклифига асосан белгиланган график бўйича.

1.5.Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили : Фиждувон туман туман Пахтакор кўчаси 40 уй

2.2.Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3.Танлов Хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1.Танлов мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар қўрсатишга ихтисослашган, камида 2 йил тажрибага эга бўлган барча Юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:
танлов предмети ишлар(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- 684-Конун 13-моддасига риоя этилиши шарт
- Моддий-техника базаси
- Бахтсиз ходисалар булган вазиятларда ишли ходимларнинг хаёти сугурталанганилиги
- Техника хафсизлиги коидаларига риоя килиш талаблари хамда йуриномалари
- Танлов объектига ўхшаш обьектлардан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
- Солик ва бошка мажбурий туловлардан карздорлиги йуклиги тугрисида
- Катнашувчининг ташкил этилиши, тугатилиши ёки банкрот булиши, мижоз билан суд ёки хакамлик мухокамаси холатида булмаганлиги тугрисидаги кафолат хати.
- Иштирокчи корхонанинг давлат руйхатидан ўтган даврдан бошлаб унинг иш тажрибаси (гувохнома, Низоми (устав), ва умумий маълумотлар
- Қурилиш-пудрат ташкилотлари электрон рейтинги
- Иштирокчи корхонанинг омборида махсулот мавжудлиги
- Корхонанинг мавжуд траспорт воситалари хакида маълумот
- Ишларни бажариш муддати Кафолат хати
- Ноҳалол иштирокчилар реестрида мавжуд эмаслиги тугрисида маълумот

3.3.Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) нибажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4.Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш(ажралиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; молмулки мусодара қилинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН

ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. Танлов хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан кўйилган техник талабларни ва бажариладиганиш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилилан бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир вароғини муҳрлаб тасдиқлаган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.3. Куйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича куйидаги таклифлар:

Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади).

4.4. Танлов иштирокчиси:

- факат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартериш киритиш хукукига эга.

5.ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги карор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирочи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7.БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартеришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартеришга йўл кўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартеришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатиласланг ан ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартериш киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичida давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзолаган кундан эътиборан уч иш куни ичida маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси такливларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичida танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.